# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси




Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган


№ 52 (8.787) ◆ 1996 йил ◆ 3 май, жума ◆ Сотувда эркин нархда


*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## ҒАЛАБА КУНИ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг Ўзбекистон Республикаси давлат манфаатларини ҳимоя қилишдаги катта хизматлари учун ва 9 май Ғалаба куни байрами муносабати билан:

1. Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, байналмилал жангчилардан бўлган ногиронлар энг оз иш ҳақининг 2,5 баравар миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирлансин.

2. Ушбу Фармонни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан қоплансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ушбу мукофотнинг тўланишини таъминласинлар.

4. Дам олиш куни 1996 йил 12 май якшанбадан 1996 йил 10 майга кўчирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 1 май.

## ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

**Расул ЗИЯЕВ,**
**уруш ногирони:**

— Энг навқирон йилларимиз иккинчи жаҳон урушига тўғри келди. Мен ҳам кўп қатори қўлга қурол олиб, душманга қарши жанг қилдим. Ғалаба нашидасини суриш бахтига муяссар бўлдим. Бироқ урушдан ногирон бўлиб қайтдим.

Ўтиш даври қийинчиликларига қарамасдан Президентимиз ва ҳукуматимиз уруш қатнашчилари ҳақида мунтазам ғамхўрлик кўрсатмоқда. Ёрдамга муҳтожларга моддий ёрдам берилмоқда. Уларни алоҳида ғамхўрлик билан қуршаб олишга интилишмоқда.

Ғалаба куни байрами муносабати билан иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида Республика Президенти Фармонининг қабул қилиниши ана шу ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

## МИННАТДОРМАН

**Бозорбой ЖУМАБОЕВ,**
**байналмилал жангчи:**

— Афғонистондаги бемаъни урушда қатнашишимга тўғри келди. Ўша даврда мен 39 ёшда — соғлом, бақувват эдим. Бу бесамар уруш туфайли саломатлигимни йўқотдим. Ногирон бўлиб қолдим.

Хайриятки, давлатимиз бизни ижтимоий жиҳатдан ҳимояламоқда ҳам маънан ёрдам қўлини чўзмоқда. Республика Президенти томонидан қабул қилинган Фармонда байналмилал жангчилардан бўлган ногиронлар ҳам энг оз иш ҳақининг 2,5 баравари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланиши кўзда тутилган.

«Арғамчига қил қувват», деган гап бор. Албатта бу бизнинг моддий таъминотимизни яхшилашга ёрдам беради. Бунинг учун Президентимизга ва ҳукуматимизга ўз миннатдорчилигимни билдираман.



*Пойтахтга мос Рамз*

## ЯКУНЛОВЧИ БОСҚИЧ

Мана икки ойдан буён Тошкент шаҳри Рамзи (герби)нинг янги тасвирини яратиш юзасидан эълон қилинган танлов давом этмоқда. Шу давр мобайнида танлов ҳайъатига турли муаллифлардан 40дан ортиқ лойиҳалар тушди. Танловни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита ва ҳайъат аъзолари тушган ҳар бир ишни ҳар тарафлама диққат билан ўрганиб чиқдилар.

1 май куни Тошкент шаҳар ҳокимлигида пойтахтнинг янги Рамзини яратиш бўйича танлов ташкилий қўмитаси ва ҳайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов олиб борди.

Танлов ташкилий қўмитаси ва ҳайъатининг раиси, Ўзбекистон халқ рассоми Жавлон Умарбеков амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот берди, танловга тушган лойиҳалар билан таништирди.

Мажлисда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Турсунбой Рашидов, Республика Фанлар академияси Тарих институтининг директори, академиянинг мухбир аъзоси Абдулаҳад Муҳаммаджонов, шоир Нормурод Нарзуллаев, геральдика жамиятининг ҳақиқий аъзоси Анвар Мамасолиев танловга юборилган лойиҳалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Улар Тошкент шаҳрининг Рамзи мустақил давлатимиз пойтахтининг тарихи, бугунги куни ва келажагини ёрқин ҳамда таъсирчан ифода этиши зарурлигини алоҳида таъкидладилар. Шу мақсадда танловга тушган энг муваффақиятли лойиҳаларни янада такомиллаштириш юзасидан ишларни давом эттириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

*Францияни сеҳрлаган санъаткорлар*

## УЛАРНИ ПАРИЖ ОЛҚИШЛАДИ

***Яқиндагина Франциянинг пойтахти Парижда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб «Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» шиори остидаги Ўзбекистон ҳафталиги муваффақиятли ўтказилган эди.***

***Айтиш мумкинки, бизнинг бой тарихий, маданий меросимиз, шунингдек миллий санъатимиз ҳам Франция орқали бутун Европа аҳлига намойиш этилди. Таниқли ўзбек санъаткорлари эса барчани ўз мусиқий дастурлари билан лол қолдирдилар. Сўз — Париж олқишлаган санъаткорларга.***

● **Ўлмас САИДЖОНОВ, Ўзбекистон халқ ҳофизи, Муҳиддин Қориёқубов номидаги ўзбек давлат филармониясининг раҳбари:**

— ЮНЕСКО қароргоҳидаги жаҳонгир Амир Темур таваллудига бағишлаб ўтказилган ҳафталикда юртимизнинг энг кўзга кўринган созанда ва санъаткорлари ҳам қатнашганидан беҳад мамнунман. Биласизми, таассуротларимиз бир олам. Борган кунимиздан концерт қўйиладиган зал ва саҳна билан танишиб олдик. Биринчи махсус театрлаштирилган концерт Париждаги жаҳонга донғи кетган кўркам «Одиён» театри биносида бўлиб ўтди. Унда халқимизнинг буюк фарзандлари, етти улуғ шоир Алишер Навоий, Саккокий, Атоий, Нодирабегим, Зебуннисо, Лутфий, Бобурлар ёзган ғазаллардан тузилган қўшиқлар ижро этилди ҳамда уларнинг сиймоларини акс эттирган ҳолда Аброр Ҳидоятов номли театр ижрочилари ғазал ва рубоийлар ўқишди. Бир ярим-икки минг киши сиғадиган зал томошабинлар билан лиқ тўлган эди. Унда нафақат Франция фуқаролари, балки жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан келган олимлар, тадқиқотчилар, тарихчилар, санъатшунослар тўпланишди. Концерт тугагач эса томошабинлар ўзбек санъаткорлари билан катта ашулалар, мумтоз куйлар, товуш имкониятлари ҳақида қизғин суҳбат қурдилар. Иккинчи концертни эса ЮНЕСКО қароргоҳининг катта залида намойиш этдик. Таниқли хонандаларимиз Муножот Йўлчиева, Ғуломжон Ёқубов, Раҳматжон Қурбонов, севимли бастакоримиз ва созанда Абдуҳошим Исмоилов каби етук санъаткорлар билан бир қаторда ёш, умидли истеъдод соҳибаси Лола Астонованинг Шопен асарини моҳирона ижро этганини ҳеч ким бефарқ тинглаб турмади. Ҳар иккала концерт ҳам фонограммаларсиз, миллий чолғу асбоблари иштирокида ўтди. Умуман олганда, французлар миллий санъатни, қадимги гўзал либосларимизнинг ўзига хос нафосатини жуда юқори қадрлашар экан.

● **Раҳматжон ҚУРБОНОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, «Лазги» ашула ва рақс ансамблининг бадиий раҳбари:**

— Мусиқа тили дунё бўйича энг тушунарли ва энг умумий тил бўлса керак. Франция халқи классик куйларни, айниқса ўзбек мақом қўшиқчилигини жуда севиб тинглар экан. Гарчи қўшиқларимизни ўз тилимизда айтган бўлсак-да, куйларнинг ижро услуби, рақслардаги хатти-ҳаракатлар, уларнинг ифодаланиши моҳиятини томошабинлар катта диққат-эътибор билан тушуниб етаётганларини пайқаш мушкул бўлмади. Ҳар бир санъаткорнинг чиқиши ўзгача кўтаринкилик, завқ-шавқ билан кутиб олинди. Маълум бўлишича «Одиён» театридаги қўйиган концертимиз пайтида залга сиғмаган икки юздан ортиқроқ шинавандалар кўчада қолиб кетишибди. Бу Франция халқининг санъатга бўлган чанқоқлиги нишонаси-ку! Парижликларнинг эътироф этишларича, бундай концерт ҳали Франция тарихида бўлмаган экан.

Келаси йили эса Хива, Бухоро шаҳарларининг 2500 йиллиги ЮНЕСКО доирасида кенг нишонланиши бизга янада илҳом ва шукуҳ бахш этади!

● **Рушана СУЛТОНОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, «Баҳор» халқ рақс дастасининг ижрочиси:**

— Санъат аҳлининг бугун қувончи чексиз. Чунки истиқлол шарофати билан ўзбек халқининг санъатда эришган ютуқларини хорижий мамлакатда кўз-кўзламоқдамиз. Ўзларининг жозибадор, гўзал ижроси билан хоҳ у қадимий, мумтоз мусиқамиз бўлсин, хоҳ жаҳон мусиқа санъатининг дурдона асарлари ёхуд нафис рақслarmи, ижрочиларнинг каттаю кичиги Ўзбекистон довруғини жаҳонга таратмоқда.

Ўзбекистон санъати бугун тан олинмоқда, барчани ҳайратга солмоқда. Бунга мен Парижда яна бир карра амин бўлдим! Ўзбек халқ рақсларининг нафосати, дилбарлиги барчани бирдек ўзига ром этди.

● **Лола АСТОНОВА, В. Успенский номли республика махсус мусиқа мактаб-интернатининг 7-синф ўқувчиси:**

— Мен авваллари Америка Қўшма Штатлари, Германия, Россиянинг бир қанча шаҳарларида концертлар билан қатнашган эдим. Аммо Францияда бизни бутунлай бошқача, жуда тантанали кутиб олишди. Томошабинлар ижромизни тинимсиз олқишлаб турдилар. Мусиқадан бўш пайтимда инглиз тилини ўрганаман. Бу менга келгусида жаҳоннинг кўпгина машҳур композиторлари ижодини янада тўлиқроқ ўрганиш имконини беради.

Назокат УСМОНОВА
суҳбатлашди.

## БУГУНГИ КУН «ТО» НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг банк-молия академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони чиқди.

❑ Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов кеча АҚШнинг «Юнокал» корпорацияси вице-президенти Марти Миллер ва Саудия Арабистонининг «Делта ойл» компанияси вице-президенти Усмон Калдиримни қабул қилди. Ушбу икки йирик фирма мамлакатимиз ер ости бойликларини ўзлаштириш борасида кенг ҳамкорлик қилади.

❑ Кеча Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов бошчилигидаги Ўзбекистон парламент делегацияси Корея Республикаси миллий ассамблеясининг таклифига биноан шу мамлакатга жўнаб кетди.

❑ Бухорода бу қадимий шаҳарнинг 2500 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

❑ Қимматли қоғозлар қатнашчиларига маслаҳат-аудиторлик ва ахборот хизматларини кўрсатувчи ҳукуматга қарашли бўлмаган агентликнинг таъсис йиғилиши ўтказилди. Унда агентлик низоми қабул қилинди, раҳбар органлари сайланди.

❑ Бугун Тошкентда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тасарруфи остида гиёвандликка қарши кураш масалаларига бағишланган халқаро семинар иш бошлади. Унда Марказий Осиё мамлакатларининг гиёванд воситалар, руҳий таъсир этувчи моддаларни ноқонуний ишлаб чиқариш, сотиш ва суиистеъмол қилиш устидан назорат ўрнатиш борасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандуми қабул қилинади.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Алмати шаҳрида Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлар кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда БМТ раҳнамолигида уч давлат ҳарбий хизматчиларидан тинчликни таъминлаш батальони ташкил этиш, бу уч мамлакат давлатлараро кенгашининг «Марказий Осиё: интеграция муаммолари» ойлик журналини Тошкентда чоп этиш ва бошқа масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

❑ «Ичкерия республикаси» президенти деб эълон қилинган Зелимхон Яндарбиев ўтган куни телевидение орқали унинг ўлдирилганлиги ҳақидаги миш-мишлар маъмурлар томонидан қасддан тарқатилганлиги ҳақида баёнот берди.

❑ Россия Президенти Борис Ельцин май ойи ўрталарида Чеченистонда бўлишини айтди.

❑ Ереванда Россия ва Арманистон мудофаа маҳкамаларининг раҳбарлари ҳарбий соҳада ўзаро ҳамкорлик қилиш соҳасида 12 та битим имзоладилар.

❑ Қозоғистоннинг шарқий ҳудудларида бўлиб ўтган кучли қор бўрони ва сел халқ хўжалигига жиддий зиён етказди.

❑ Украинада болалар соғломлаштириш лагерлари сони уч бараварга қисқарганлиги сабабли бу йил мактаб ўқувчиларининг фақат 13 фоизигина уларда ҳордиқ чиқариш имконига эга бўлар экан.

### ХОРИЖДА

❑ 5 май куни Вашингтонда Исроил—Фаластин музокараларининг якунловчи босқичи бошланади. Унда Фаластин мухториятининг тақдири, жумладан Иордан дарёсининг ғарбий соҳили ва Ғазо сектори масаласи ҳал этилиши керак. Бу ерда ўтган куни АҚШ Президенти Билл Клинтон ва Исроил Бош вазири Шимон Перес террорчиликка қарши биргаликда кураш олиб бориш декларациясини имзоладилар.

❑ Швецияда Болтиқ давлатлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда асосан ўзаро иқтисодий ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди.

❑ Буюк Британия Европа Иттифоқининг Англия қорамол гўштини экспорт қилишни ман этувчи қарорини бекор қилишга муваффақ бўлди. Айни пайтда Англиянинг ўзида қутуриш касалига дучор бўлган қорамолларни йўқ қилишга киришилди.

❑ Нью-Йоркда бўлиб ўтган кимошди савдосида Ван Гогнинг «Кристи» сурати 10 миллион 300 минг долларга сотилди.

❑ Бир ўзи қайиқда дарё бўйлаб саёҳатга чиққан АҚШ Марказий разведка бошқармасининг собиқ раҳбари 76 ёшли У. Колби бедарак йўқолди. Унинг қайиғи дарёдан тўнтарилган ҳолда топилди.

● БУГУНГИ КУН НАФАСИ ● БУГУНГИ КУН НАФАСИ ● БУГУНГИ КУН НАФАСИ ● БУГУНГИ КУН НАФАСИ ●

*Маданият янгиликлари*

## ГЎЗАЛ ДИЁР ТАРОНАЛАРИ

Мирзо Улуғбек туман маданият уйида фаолият кўрсатаётган болалар хор жамоасининг концерт томошалари доимо шинавандалар билан гавжум ўтади. Хор жамоаси тақдим этаётган ватанпарварлик руҳидаги қўшиқлар кўпчиликнинг эътиборига сазовор бўлмоқда. Ижодий жамоа куни кеча маданият уйига ташриф буюрган хор шинавандаларига «Гўзал диёр тароналари» деб номланган янги дастурни саҳнага олиб чиқдилар.

* * *

Машраб маданият уйининг «Ёшлик» ашула ва рақс халқ ансамбли ижодий жамоаси намойиш эта бошлаган «Оқшом тароналари» деб номланган янги концерт томошаси ҳам қўшиқ ва мусиқа шинавандаларининг олқишлари билан кутиб олинди. Ансамблнинг бадиий раҳбари Абдурауф Зокиров саҳнага олиб чиққан дастурда бахт ва шодлик тароналари, ота-боболаримиздан мерос қолган мумтоз ашулалар ўрин олган бўлиб, шу кунларда Чилонзор туман маҳаллаларида томошабинлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

*Ошкора мулоқот*

## АЛОҚА ХИЗМАТИДАН СЕВИНАДИГАН КУНЛАР

***1 май куни Президент девонидаги ахборот марказида бўлиб ўтган оммавий ахборот воситалари ходимларининг Ўзбекистон Республикаси алоқа вазири Тоҳир Раҳимов билан учрашувида республика Алоқа вазирлиги тизимида амалга оширилаётган кенг кўламдаги ишлар ҳақида атрофлича сўз борди.***

Дарҳақиқат ҳозирги шиддатли кунларимизни телефонсиз, «Ойнаи жаҳон» кўрсатувларисиз, радио эшиттиришларисиз, почта хизматисиз асло тасаввур қилиб бўлмайди. Ишбилармонларнинг ва бошқа кўпгина соҳа кишиларининг қўлларига кўтариб олган мўъжазгина телефон орқали гаплашаётганликларининг ҳам ҳар куни шоҳиди бўламиз. Бинобарин, республикамизда том маънода телекоммуникация ишларини амалга ошириш янгича йўналиш бўйича олиб борилмоқда. Ўтган беш йил ичида телекоммуникация бўйича, алоқа корхоналарини бунёд этиш бўйича кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Хорижий эллардаги йирик-йирик фирмалар билан ҳамкорлик ўз самараларини бермоқда. Ривожланган мамлакатлар республикамизда алоқа тизимини юксалтириш учун сармоялар ажратмоқда. Эндиги вазифа босқичма-босқич равишда давлат алоқа тармоқларини давлат тасарруфидан чиқариш, уларни хусусийлаштириш керак.

Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида 450 мингдан ортиқ телефон мавжуд. Лекин очиғини айтганда, телефон хизматидан ҳамма абонентлар ҳам мамнун бўлишаётгани йўқ. Шу хусусда «Оқшом» таҳририятига ҳам кўплаб хатлар келмоқда. Ана шу боисдан ушбу сатрлар муаллифи — «Тошкент оқшоми» мухбири алоқа вазири Тоҳир Раҳимовга аҳолининг телефон хизматидан рози бўладиган кунлари қачон келиши ҳақида савол берганида, вазир жумладан бу саволга жавоб қайтариб, дарҳақиқат, Тошкентдаги телефонларнинг ҳозир ёмон ишлаётганлиги, бундан абонентлар ҳақли равишда ранжиётганликларини таъкидлаб, телефон хизматини яхшилаш борасида кўпгина саъй-ҳаракатлар қилинаётганлигини уқтирди. Ҳозирги пайтда Тошкент шаҳридаги телефон станцияларини босқичма-босқич равишда янги электрон станцияларга улаш ишлари қизғин бошлаб юборилди. Мустақиллигимизнинг беш йиллик байрамига қадар 80 мингта телефонлар ана шундай электрон станцияларга уланади. Шундан 25 мингта телефон рақами янги бўлади. Бу ўринда яна бир нарсани ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз кўринади. «Қарс икки қўлдан» деганларидек, айрим абонентлар телефондан фойдаланганлик ҳақини ўз вақтида тўламаганларидан кейин уларнинг телефонлари узиб қўйилади. Айрим абонентлар орасида телефон ҳақини ярим йиллаб тўламаганлар ҳам бор. Бинобарин, абонентларнинг дебиторлик қарзи бир неча юз миллион сўмликдан ҳам ортиқдир. Лекин барибир, — деб таъкидлади алоқа вазири, — биз хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш борасида кўп саъй-ҳаракатлар қиляпмиз. Бунинг учун қўшма корхоналар тузишга ҳам эътибор қаратилади. Ҳозирги пайтда Тошкент шаҳридаги телефонларнинг рисоладагидек ишлаши бўйича чет эл фирмалари шуғулланишни ўз гарданига олди. Бинобарин, иш шу йўсинда кетса яқин уч йил мобайнида тошкентликлар телефон хизматидан нолимайдиган бўлишади.

Мухбирлардан бири вазирга савол бериб нега Тошкент шаҳрида ишлайдиган таксофонлар деярли йўқ бўлиб кетганлиги сабабини сўради. Бунинг ҳам ўзига хос сабаблари бор экан. Ҳозирги пайтда пойтахтимизга ҳар бири 1800 АҚШ доллари қийматидаги юзта универсал таксофонлар келтирилди. Ана шу таксофонлар орқали нафақат Тошкентдаги абонент билан, балки бошқа шаҳарлардаги кишилар билан гаплашиш мумкин бўлади.

Хуллас, учрашув ўзига хос, ошкора савол-жавоблардан иборат бўлди. Журналистлар алоқа тизими билан боғлиқ ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоблар олдилар. Алоқа вазирининг берган жавоблари республикамизда телекоммуникация ишларини ривожлантириш, алоқа тизими учун малакали ва замонавий кадрлар тайёрлаш, уларнинг масъулиятини ошириш, чет элдаги йирик фирмалар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, алоқа корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш, қўшма корхоналар бунёд этиш, ҳиссадорлик жамиятларини ташкил этиш ва бошқа масалалар хусусида бўлди.

Ушбу учрашув тўғрисидаги ҳисоботимизга сарлавҳа қилиб қўйганимиздек, алоқа хизматидан севинадиган кунларимиз яқин эканлигига алоқа вазири берган аниқ жавоблардан сўнг оммавий ахборот воситалари ходимларида ҳам умид куртаклари пайдо бўлди.

Саид СОЛИЕВ.

*Теннис*

## «ҲАВАС»ГА ҲАВАСИНГИЗ КЕЛАДИ



***Мустақилликка эришилгандан сўнг республикамизда спортнинг оммавий турларига айниқса катта эътибор берилмоқда. Спортнинг бошқа турлари каби теннис ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Ҳозир барча вилоятларда теннис кортлари қурилаётгани спортнинг бу тури тез оммалашишига имкон яратяпти. 6 май куни Тошкентда очиладиган «Ҳавас» теннис турнири ўзига хос янги бир анъанага асос солинаётганлигини кўрсатади. Эътиборли томони шундаки, бу турнирда мамлакатимизнинг турли бўғин раҳбарлари иштирок этишади.***

Маълумки, юртбошимиз Ислом Каримов мамлакатимизда спортнинг кўпгина турларини, шу жумладан теннис турини ривожлантириш борасида ҳам катта ғамхўрлик кўрсатмоқда. «Ҳавас» турнирининг ташаббускори ҳам Президентимиздир. Бу турнирдан кўзланган бош мақсад нафақат теннисни оммалаштириш, балки барча бўғиндаги раҳбарларнинг спортга эътиборларини янада кучайтириш ва шу орқали спортни кенг омма орасида тадбиқ этишдир. Шу боисдан «Ҳавас» турнирида республикамиз вилоятларининг биринчи раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, йирик шаҳарларнинг ҳокимлари, парламент раиси, Бош вазирнинг ўринбосарлари, вазирлар ва йирик бирлашмаларнинг бошлиқлари иштирок этиши мўлжалланган.

Шу ўринда ўхшаши йўқ мусобақа — «Ҳавас» турнири қатнашчиси — Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлагановнинг Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбирига айтган қуйидаги мулоҳазалари ҳам мазкур спорт турига берилган яна бир юксак баҳодир:

— Мустақиллик йилларида Тошкент шаҳрининг қиёфаси тубдан ўзгариб кетди. Янги хиёбонлар, кўчалар, турли иншоотлар бунёд этилди. Улар орасида спорт иншоотлари алоҳида ўрин тутади. Юнусободдаги теннис мажмуи ҳам ана шулар жумласидандир. «Пахтакор» стадиони эса таъмирланмоқда. Шуни таъкидлашни истардимки, мана шу хайрли ишларнинг барчаси давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси билан амалга оширилмоқда. «Ҳавас» теннис турнирининг шаҳримизда ўтказилиши биз учун катта шарафдир. Шу билан бирга у зиммамизга улкан масъулият ҳам юклайди. Турнир қатнашчиларига қулай шароит яратиб бериш учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қиламиз...

— «Ҳавас» турнири икки босқичда ўтказилади, — дейди мусобақанинг бош ҳаками Генрих Дашевский. — Унинг илк босқичи 6—7 май кунлари «Динамо» теннис клуби кортларида, финал қисми эса 8 май куни «Юнусобод» спорт мажмуасида бўлиб ўтади.

Мусобақа иштирокчилари уч гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳга ярим йилдан бир йилгача, иккинчи гуруҳга бир йилдан уч йилгача ва ниҳоят учинчи гуруҳга беш йилгача теннис билан шуғулланганлар киритилади.

**— Ғолибларни қандай мукофотлар кутмоқда?**

— «Ҳавас» турнири ғолибларига махсус кубок ҳамда турли совринлар топширилади. Аммо энг олий мукофот бу «Ҳавас» деб номланган ана шу турнирнинг жорий этилишидир. Ўйлайманки, у келажакда анъанавий бўлиб қолади. Яна бир гап: бу ўйинларни барча қизиқувчилар келиб бепул томоша қилишлари мумкин. Кейинчалик бундай мусобақаларни вилоят марказларида ҳам ўтказиш кўзда тутилмоқда. Хуллас «Ҳавас» теннис турнири кишиларнинг ҳавасини келтирадиган, номи ўзига жуда ярашиқли спорт мусобақаларидан бири бўлиб қолади.

Саид БОТИРОВ.

*Тошкент шаҳар ҳокими кубоги учун*

## БЕЛЛАШУВЛАР ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА

***Илгари хабар берганимиздек, шаҳримиз туманларидаги стадионларда пойтахт иккинчи лига жамоалари ўртасида Тошкент шаҳар ҳокими кубоги мусобақаларининг дастлабки босқич беллашувлари бўлиб ўтди. Ҳар бир жамоа бештадан учрашув ўтказганидан сўнг командалар сараланди.***

Биринчи гуруҳ жамоалари ўртасида Яккасарой туманининг «Яккасарой» командаси турнирда жуда муваффақиятли қатнашди. Яккасаройликлар биринчи турда «Миробод»ни 2:1 ҳисобида енгишгач, кейинги рақибларини қаторасига 1:0, 4:0 ва 2:0 ҳисобида доғда қолдиришиб гуруҳ ғолиблигини муддатидан олдин қўлга киритишди. Фақат охирги турда «Лочин» билан ўйинлари durang натижа билан тугади — 0:0.

Шу гуруҳда «ТТПУ» (Мирзо Улуғбек тумани) жамоаси ҳам ўзининг энг кучлилардан эканлигини исботлади. Дастлабки уч турда улар ҳамма рақибларини 2:0 ҳисобида енгишгач ҳал қилувчи тўртинчи беллашувда «Яккасарой» жамоасидан 0:2 ҳисобида доғда қолишди. Қизиғи шундаки, охирги турда «ТТПУ» «Миробод»ни яна 2:0 ҳисобида енгди. Яъни «ТТПУ» иштирок этган барча ўйинларда бир хил 2:0 ҳисоби қайд этилди.

Иккинчи гуруҳда эса биринчи турданоқ Чилонзор туманининг «Восток» жамоаси етакчиликни қўлга олди. 4 учрашувда ғалаба қозониб, битта дурангга эришган, тўплар нисбатини эса 9:1 га етказган «восток»чилар ярим финалга йўлланма олишди. Ярим финал учун иккинчи йўлланмага ушбу гуруҳда жуда шиддатли беллашувлар кечди. Унга асосий даъвогар «Шайхонтоҳур» учта ғалабага эришиб, икки марта мағлубият аламини тортган бўлса, «Бектемирчи» командаси 3 ғалаба ва 1 дурангга эришиб, иккинчи йўлланмани қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Шундай қилиб ярим финал беллашувларида «Бектемирчи»—«Яккасарой», «ТТПУ» ва «Восток» жамоалари ўзаро куч синашади.

Дилшод ИСРОИЛОВ.




Ўзбекистон ва жаҳон

## ИЛМИЙ САЛОҲИЯТЛАР БИРЛАШМОҚДА

***Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси фан ва техника давлат қўмитаси ташаббуси билан Марказий Осиё республикаларининг илмий салоҳиятларини бирлаштириш мақсадида «Туркистон» халқаро илмий-технологик маркази ташкил этилган эди.***

Гарчи марказ фаолият кўрсатиши учун ҳукуматимиз томонидан катта маблағ ажратилган бўлса-да, қўшни республикалар ўртасидаги тўловлар тизимида номутаносиблик мавжудлиги сабабли улар ўз вақтида маблағ билан ҳисса қўшиш имкониятига эга эмас эдилар. Яқинда ана шу марказ ишида бирмунча жонланиш юз берди: қўшни Қирғизистон ҳам «Туркистон» маркази фонди ҳисобига маблағ ажратди. Шунга кўра Фан ва техника давлат қўмитасига Қирғизистон Республикаси Фан ва янги технологиялар давлат қўмитасининг бош мутахассиси, «Туркистон» халқаро илмий-технологик марказининг Қирғизистон бўлими директори Бузурмонқул Токтоналиев келиб, қилинажак ишлар бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирди.

— Марказий Осиё республикалари фақат этник жиҳатдан эмас, балки бошқа бир қанча томонлардан ҳам умумийликка эга, — дейди қирғизистонлик меҳмон биз билан суҳбатда. — Бугунги кунда минтақамизда шундай муаммолар мавжудки, уларни у ёки бу республика учун илмий нуқтаи назардан алоҳида ҳал этиб бўлмайди. Хусусан экология, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт соҳаси муаммолари шулар жумласидандир. Бундан ташқари собиқ Иттифоқ парчаланиб кетгач фан тизимларида ҳам узилишлар юз берди. Маълум бир фан соҳаси бўйича илмий-назарий ишланмалар бир республикада мавжуд бўлса, уни амалиётга татбиқ этиш имконияти қўшни республика ихтиёрида қолган. Бошқа бир соҳа бўйича эса аксинча. Бу муаммоларни фақат ҳамкорликда ҳал этиш мумкин. Шунинг учун ҳам «Туркистон» халқаро илмий-технологик маркази Марказий Осиё республикаларининг илмий салоҳиятларини бирлаштириб, ҳамжиҳатликда иш кўриш бу давлатларнинг ҳар томонлама тараққий этишига фақат ижобий ҳисса қўшади.

«Туркистон» марказининг бош директори, физика-математика фанлари доктори Қаҳҳор Абдураҳмоновнинг айтишича ушбу марказ тўрт йўналишда: лазер технологияси, биофармацевтика, микроэлектроника (асосан кремний технологияси), ахборот соҳаларидаги муаммоларни ҳал этиш ва уларни жаҳон талаблари даражасига олиб чиқиш билан шуғулланади. Чунки, масалан, лазер технологияси бугунги кунда дунё миқёсида етакчи йўналишлардан бири ҳисобланади. Айниқса енгил саноат, тиббиёт соҳасида унинг аҳамияти беқиёс. Лазернинг голограмма соҳаси ёрдамида пул, қимматли қоғозларни қалбакилаштиришдан ҳимоя қилиш мумкин. Шунга кўра у бугунги кунда жамиятимизда муҳим ўринни эгаллайди.

Микроэлектроника соҳасининг эса нимага қодирлигини гапириш ортиқча. Зеро бу шундай соҳаки, унинг ривожи учун сарфланган бир сўм тезда юз сўм бўлиб қайтади. Японияни Япония қилган ҳам ана шу микроэлектроника соҳасининг ривожидир. Бугунги кунда ҳар қандай самолётнинг деярли ярми микроэлектроника маҳсулотларидан ташкил топган. Автомобилсозликда ҳам худди шу гапларни айтиш мумкин. Бу борада кремний моддасидан кенг фойдаланилади. Қирғизистондаги кремний заводи нафақат кўпгина муаммоларга барҳам беришига, балки бир қанча соҳаларда юксак ижобий ўзгаришлар ясашига ишониш мумкин. Бундай имкониятларни Қозоғистон мисолида ҳам гапирса бўлади. Бу уч республиканинг ҳар томонлама тараққиёти шубҳасиз уларнинг илмий салоҳиятига асосланади. Демак, бу ўринда «Туркистон» халқаро илмий-технологик марказининг аҳамияти беғоят катта.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

1996 йил — Амир Темур йили

## УЛУҒВОРЛИКНИ СЕВГАН ҚАЛБ



***Қуръони каримда «Аллоҳ гўзалдир. У гўзалликни севади!»деган оят бор. Соҳибқирон қалбида ҳақиқий гўзаллик ва улуғворликка муҳаббат, ташналик шу қадар кучли эдики, бунга унинг даврида бино этилган гўзал меъморий обидалар, яратилган гўзал санъат асарлари далилдир!***

***Соҳибқирон гўзаллик ва улуғворликка шу муҳаббати ва ташналиги туфайли ўз атрофига чинакам истеъдод соҳибларини йиғдики, уларга раҳнамолик қилдики, бу истеъдодлар — олимлар, меъморлар, мусаввирлар, наққошлар, усталар... ҳақиқий ижодкорлик — гўзаллик ва улуғворлик яратиш билан машғул бўлдилар. Бунга ўша замондан ҳозиргача сақланиб қолган гўзал-гўзал иморатлар, гўзал санъат асарлари шоҳиддир!***

***Дарҳақиқат, Соҳибқирон қалб амри билан қурилган муҳташам мадрасалар, мақбаралар, масжидлар, хонақоҳлар, кўшк-саройлар, чорбоғлар ҳозиргача жаҳон аҳлини ҳайратга солади. Бу биноларни қуришда ўнлаб, юзлаб, ҳатто минглаб маҳаллий ва фатҳ этилган ўлкалардан келган меъморлар, наққошлар, мусаввирлар, усталар қатнашганлар.***

***Соҳибқирон ҳазратлари турли соҳа истеъдод соҳиблари қаторида меъморларга алоҳида иззат-ҳурмат кўрсатганлар. «Темур тузуклари»да айтилишича Соҳибқирон даврида раият 12 тоифага бўлинган. Меъморларнинг меҳнат ва шаъни ниҳоятда қадрланган. Меъморлар ана шу тоифанинг саккизинчи қатламини ташкил этган.***

***XV асрда яшаган Вожиб Али «Матлаул-улум» ва «Мажмаъул-фунун» асарининг 31-бобида ёзишича давр меъморчилигида 14 зарурий қоида бўлиб, меъморлар иморат қуриш вақтида бу қоидаларга қатъий риоя этишган. Иморат солиниши пайтида осмон буржларининг ҳолати ҳам ҳисобга олинган...***

***Бугундан бошлаб Соҳибқирон Самарқандда барпо этган муҳташам иморатларнинг баъзилари хусусида «Оқшом» газетаси саҳифасида тўхталамиз.***

### КЎКСАРОЙ ВА КЎКТОШ

Фирдавсмонанд Самарқандда муҳташам мадрасалар, мақбаралар, девонхоналар, шаҳар ичкариси ва ташқарисида эрам гулистони рашк қилар даражада чорбоғлар, уларда кўшклар, қаср-саройлар барпо этилди. Шаҳар Арки — қалъасида Соҳибқирон қароргоҳи — Кўксарой ва Бўстонсарой, улар атрофида шоҳона уй-жойлар, хазинахона, давлат девонхонаси, пул зарбхонаси, қурол-аслаҳасозлик устахоналари, зиндонхона ва бошқа иморатлар қурилди.

Кўксарой ва Бўстонсарой тўрт қаватли бўлиб, деворлари ва гумбази зангори кошинлар, нақшинкор парчинлар билан қопланган экан.

Кўксаройни ўз кўзи билан кўрган Испан сайёҳи Клавихо шундай ёзади: «Шаҳарнинг четида бир қаср (Кўксарой) бўлиб, шунчаки қараганда бир бўшликка жойлашгандай туюлди. Аслида қаср атрофи анҳор суви оқиб турган чуқур ҳандақ билан ўралган бўлиб, қаср йўлаб бўлмайдиган истеҳкомга айланган. Мазкур қасрда подшоҳнинг хазинаси сақланар, шу сабабдан Қозию қуззот ва унинг хизматчиларидан бошқа ҳеч ким киролмас эди. Бу ерда подшоҳ фармойишига биноан минггa яқин ҳунарманд асирлар туради, улар салтанат учун йил бўйи совут, дубулға, камон, найза ясайдилар».

Кўксарой тўғрисида Бобур шундай ёзади: «Самарқанд Аркида Темурбек бир улуғ кўшк солибтур, тўрт ошёнлик, Кўксаройга мавсум ва машҳур, бисёр олий иморатдур».

Тарихчилар ёзишича, Кўксарой икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи қисмида сарой аъёнлари учун хоналар, кутубхона, хазинахона жойлашган. Саройнинг иккинчи бўлими эса Соҳибқирон тахтхонаси — қабулхонаси бўлиб, унда тахт — машҳур Кўктош ўрнатилган. Соҳибқирон тантанали қабул маросимларида шу тахт —Кўктошда ўтирган.

Кўктош чўзинчоқ, тўрт бурчакли, кулранг кўринишда, яхлит мармар бўлиб, ёнларига моҳир тоштарошлар нафис нақшлар чизганлар, тўрт қиррасини устунсимон қилиб ўйганлар.

Кўксарой ва Бўстонсаройда расмий маросимлар, кенгаш — маслаҳат мажлислари, суҳбатлар ўтказилган. Расмий маросимларда Соҳибқирон тахтда, унинг ўнг томонидан саййидлар, қозилар, уламо-фузалолар, шайхлар — улуғ ва олий табақалардаги кишилар; сўл томонидан мансаб ва мартабаларига қараб — амир-ул умаро, бегларбегилар, амирлар, нуёнлар, сардорлар, улус, туман хушунот амирлари, мингбошилар, юзбошилар ўрин олганлар. Девонбеги ва вазирлар тахт рўпарасидан, қалонтар (шаҳар ҳокимлар)и, кадхудо (қишлоқ оқсоқоли)лари вазирларининг орқасидан жой олганлар. Баҳодирлар, қиличбоз навкарлар ва қоровулларнинг жойи тахт орқасида бўлган.

Соҳибқирондан мерос қолган Кўксарой ва Кўктош сўнгги даврларда ҳам тожу тахт ҳукмдорликнинг қонуний рамзи бўлиб қолган. Амир Темурдан сўнг тахтга ўтирган Халил Султон, Мирзо Улуғбек ҳам шу Кўктош устига ўтириб давлатни бошқарганлар. Қизиғи шундаки, Темурийлардан сўнг Мовароуннаҳрда ҳукмдорлик қилган Шайбонийлар, Аштархонийлар, Манғитийлар ҳам Кўктош устига ўтириш расмий маросимларини ўтказганлар. Аштархонийлар ва Манғитийлар даврида, пойтахт Бухорога кўчган вақтларда ҳам Бухоро амирлари Самарқандга махсус келишиб, Кўктошга ўтириш маросими ўтказганлар.

Манбаларда айтилишича, Амир Темурнинг тахти — Кўктошга ўтириш маросими ушбу тартибда бўлар экан: Кўктош олдига тўшалган оқ кигиз ўртасига ҳукмдор чордона қуриб ўтиради. Шу пайтда кўтаринки кайфиятдаги амалдорлар, сарой аъёнлари йиғилган халқ устига кумуш, тилла тангалар сочади. Шундан сўнг уруғ (манғит, найманг, хитой, қипчоқ, юз, сарой, қирқ, қўнғирот ва бошқалар) бошлиқлари оқ кигизни бошлари узра уч бора кўтаришиб, Амирни тахтга ўтказганлар. Сўнгра оқ кигиз четларидан ушлаган амалдорлар Кўктош атрофидан жой олганлар, Қуръон оятлари тиловат қилинган, ният-тилаклар билдирилган.

Кўктош тепа қисмининг чеккасида чуқурча бўлиб, унга тахтга ўтириш маросимида қатнашган уруғ беклари бир донадан тилла танга ташлаганлар, маросимдан сўнг бу тангалар халққа тарқатилган...

Амир Темурнинг тахти — Кўктош узоқ замонлар Кўксаройда турган. Сарой харобага айлангач, Бухоро амирлари Кўктош устига янги бино солганлар. XIX асрда Кўктош турган саройнинг кўринишини 1868 йил Самарқанд истилосида қатнашган рус рассоми В. Верешчагин чизиб қолдирган. Суратда акс эттирилишича, сарой тўртбурчакли бўлиб, деворининг тўрт томонида айвони бор. Пештоқ айвони ўртаси очиқ. Саройнинг тўрига Кўктош қўйилган. Сарой устунлари, шипи ва пештоқи нафис нақшлар билан безатилган.

Баъзи тарихчилар Кўктошни Улуғбек Мўғулистондан келтирган, дейдилар. Бу фикр ҳақиқатга зид бўлиб, Улуғбек келтирган нефрит — мохтоб (қора тош) Гўри Амир мақбарасида Соҳибқирон қабри устидаги тошдир. Кўктош эса оддий мармар тош бўлиб, унинг қадри жисмида эмас, балки Соҳибқирон пойи остида тахт бўлганлигидадир.

Кўктош 1960 йилгача Самарқанд Арки ўрнида қурилган ҳарбий гарнизон ичида турган. Сўнг Гўри Амир мақбараси ҳовлисига кўчирилган. Кўктош ҳозир ҳам ўша ерда турибди. Унинг айрим жойлари дарз кетган...

Соҳибқирондан қолган ноёб ёдгорлик Кўктошни азиз тутиш — муносиб жойга қўйиш ва авлодларга бешикаст етказиш, Кўксарой ва Бўстонсарой ўрнини аниқлаш, улар ҳақида ёшларга кўпроқ маълумот бериш фарзандлик бурчимиздир.

Ғуломхон ҒАФУРОВ,
филология фанлари номзоди.

Воқеа арафасида

## ДИАБЕТОЛОГЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ

***Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, эндокринология институти, Ўзбекистон эндокринологлар жамияти ва Германиянинг «Берингер Ингельхайм» фирмаси ҳамкорлигида 6-7 май кунлари Тошкентда, «Туркистон» саройида Марказий Осиё диабетологларининг II Халқаро Конгресси ўтади.***

Конгресс дастурида қандли диабетнинг тарқалиши ва қон-томир системасида учрайдиган асоратларни ўрганиш, инсулинга қарам ва инсулинга қарам бўлмаган диабет турларининг ташхиси, клиникаси ва даволаш, диабет асоратларининг келиб чиқиши, олдини олиш ва даволаш, қандли диабетга чалинган шахсларда бошқа касалликларнинг кечиши, беморни ўз-ўзини назорат этиши каби долзарб масалалар муҳокама қилинади.

Анжуман ишида Марказий Осиё давлатлари — Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон олимлари ҳамда Ўзбекистондаги шу соҳада илмий-изланишлар олиб бораётган тиббиёт институтлари ва илмий-текшириш институти мутахассислари қатнашадилар.

Россиядан таниқли олимлар — А. С. Аметов, А. Н. Мухин, А. М. Грановская-Цветковалар, Украинадан А. С. Ефимов, Д. А. Ефимовлар ўзларининг маърузалари билан иштирок этишади.

Бундан ташқари, Германиядан Й. Лиммер, Копенгагендан Ю. Кало ва Буюк Британиядан В. Александерлар қандли диабетни даволаш йўллари ва Сент-Винент декларация дастурининг бажарилиши ҳақида маърузалар қиладилар.

Ёш олимлар ва илмий ходимларнинг олиб бораётган изланишларини рағбатлантириш мақсадида «Ёш олимлар танлови» ўтказилади. Танловга 8 та илмий иш топширилган. Марказий Осиёнинг 5 та давлатидан танловни ўтказиш бўйича ҳайъат аъзолари сайланган. Ғолибларга қимматбаҳо ютуқлар ва чет эл давлатларида бўладиган тиббий анжуманларда иштирок этиш ҳуқуқи берилади.

Конгресс ишида 45 га яқин қизиқарли маърузаларни ва 50 дан ортиқ деворий кўргазма ахборотларини муҳокама қилиш режалаштирилган.

Конгресс вақтида Марказий Осиё диабетологлари ассоциациясининг навбатдаги мажлиси бўлади.

Конгресс кунларида «Берингер Ингельхайм» фирмасининг дори-дармонлар кўргазмаси ташкил этилади ва инсулинга қарам бўлмаган диабетни Глюренорм билан даволаш бўйича симпозиум ўтказилади.

Ишонч билан айтиш мумкинки, ушбу илмий анжуман барча йўналишдаги олим ва шифокорларнинг соғлиқни сақлаш ва муҳофаза қилишдек олижаноб ва хайрли ишида ижобий ўрин эгаллайди, бундан кейинги илмий ва амалий режаларни тузишда ёрдам беради, энг асосийси, қандли диабетга чалинган беморларга тиббий ёрдам беришда яқиндан кўмаклашади.

Тўхтамурот МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси эндокринология институтининг бўлим мудири, тиббиёт фанлари доктори.

Танловлар

## ҲАЗИЛ-МУТОЙИБА УСТАЛАРИ

Халқимиз қадимдан кулги, ҳазил-мутойибага қизиқади. Юртимизда кўплаб ҳажв усталари бор. Одамларнинг кулгига мойиллигини рағбатлантириш, шунингдек турли касб эгалари орасидан ҳажв усталарини қидириб топиш мақсадида «Муаммолар йўқ» хусусий корхонаси танлов эълон қилган эди. Шунга кўра республика телевидениесининг мусиқали дам олиш кўрсатувлар дирекцияси билан ҳамкорликда илк бор ўзбек ва рус тилларида «Халқ латифалари театри» кўрсатуви ташкил қилинди.

Танловга келган барча жавоблар ҳайъат томонидан сараланиб, ғолиблар аниқланди. Мукофотларга «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, «Ялла» вокал-чолғу ансамблининг артисти Иброҳим Алиевлар мушарраф бўлишди.

Бу хусусий корхона ўз фаолиятини янада кенгайтириб, бундан буён ойда бир марта ушбу кўрсатувни доимий равишда олиб боришни режалаштиряпти.

Исмат АҲАДОВ.

Нуқтаи назар

## ЎЗБЕК АСКАРИ



Аскар болам... Биргина шу сўзда қанча маъно яширинган. Мустақил юрт аскари, ўзбек аскари деган сўзда-чи?!

Бу йил Амир Темур йили деб эълон қилингани боис сўзни Соҳибқирондан бошласак тўғри бўлади.

Амир Темур биринчи бўлиб мунтазам армия тузган буюк саркарда экан. Чунки авваллари ҳамма ўз иши билан банд бўлар, юртга ёв оралаcа ҳамма ишини қўйиб, қурол-яроғини олиб жангга отланар экан. Бу ҳам ватанпарварликнинг бир кўриниши аслида. Бироқ мунтазам армия — бу бошқа гап.

Амир Темур ҳазратлари аскар тузиб, унинг йўриқларини ҳам илк бор ишлаб чиққан, тактикаларини, олий мақсадларини белгилаган соҳиби лашкар ҳам эдиларки, бундан «Темур тузуклари» гувоҳлик беради. «Тузуклар» Соҳибқирон яратган ҳарбий низом эди. Лашкарлару саркардалар жангда унга қатъий амал қилишарди. Бу Амир Темурнинг Тўхтамиш билан Терек дарёсида бўлган жангда яққол кўринди. Жангнинг биринчи кунида Тўхтамиш устун кела бошлайди. Иккинчи кунда эса Соҳибқирон лашкарлари «Тузуклар»даги битикларга амал қилган ҳолда ўз сафларини қайта тузадилар. Ўзини ўнглаб олган лашкар Тўхтамиш аскарларига кетма-кет қаттиқ зарбалар бера бошлайди. Жанг бобомиз Темур ғалабаси билан тугагани тарихдан маълум...

Қадимда ҳам аскарларга фуқаро катта ҳурмат билан қараган. Уларни Ватан ҳимоячиси, юрт тинчлиги, ободлигининг посбони деб билган. Аскар кирган уйда тантана бўлган, иззати жойига қўйилган. «Амир Темур аскари» деган сўз жуда фахрли бўлган. Шу сабаб Соҳибқирон замонида фарзанди лашкарда бўлган оилаларга имтиёзлар яратилган, марҳаматлар кўрсатилган.

Бундан ўн йиллар аввал йигитларимиз ҳарбийга чақирилганда Украина, Белоруссия, Молдавия, ҳатто Узоқ Шарқда ҳам хизмат қилишарди. Уларнинг хати келарди, холос. Нима еб, нима ичяпти, қандай хизмат қилаяпти — ўз кўзимиз билан кўришимиз мушкул эди. Ҳозир вазият бошқача. Юртимиз мустақилликка эришгач, ўғлонларимиз Ўзбекистон бағрида хизмат бурчларини ўташяпти. Энди ўз юрти ҳимояси учун, ўз юрти тинчлиги учун ҳамиша тайёр бўлишга, ҳарбий санъатни пухта билишга қасамёд қиладилар. Ҳатто қатъий тиббий кўрикдан ўтган, оилавий шароити, соғлиғи тўғри келмаган йигитлар учун муқобил хизмат жорий этилди. Ўғлонларимиздан халқимиз талаб қилгани — сидқидилдан хизмат қилишдир.

Ўзбек аскари! У қандай бўлиши керак?! Шу ерда ўзимнинг шахсий фикримни изҳор этсам.

Ўзбек аскари энг аввало Ўзбекистон — унинг ота-боболари асрлардан бери яшаб келган, уларнинг орзу-умидлари, пешона терлари, қалб қўри билан яшнаган юрти эканлигини юраги тубида ҳар маҳал сақламоғи керак. Бу тупроқда аждодларимизнинг азиз ҳоки бор. Осмонида эса не-не валийлар, баҳодирларнинг руҳи поклари учиб юрибди. Ўзбек аскари шуни унутмаслиги керак. Шу табаррук тупроқни бебаҳо билиб, кўз қорачиғидек сақлаши керак.

Ватан — бебаҳо дедик. Шул сабаб ҳам у Ватан деб аталади. Йўқса у қўналғага айланарди. Оддийгина мусича ёки чумчуқ, қалдирғочнинг уясига қўлингизни теккизиб кўринг! Улар жонжаҳдлари билан уни ҳимоя қиладилар. Шу ошён — уларнинг Ватани! Энг лоқайд, манқуртларгина ўз тупроғини ўзгалар оёғи остида топталишини бефарқ, лоқайд кузатиб турадилар. Бугунги ўзбек аскари Ватан сарҳадлари улуғлигини англаб етмоғи учун у маънавий баркамол, маърифий кенг билимга эга бўлмоғи керак. Демак, унинг ҳарбий билими, машқи кучли, юрт тарихи ҳақидаги билими ҳам шунчалар чуқур бўлмоғи керак.

Ватан сўзи қанчалар дилга яқин, эй ўзбек аскари! Сен Ватан тинчлиги учун, унга посбон бўлиш учун туғилгансан.

Ўзбек аскари!

Сен ҳарбий формада кўкрак кериб, мардона қадам ташлашингни кўриб ота-онанг, ёру дўстларингнинг қалби фахр-ғурурга тўлсин! Қизларнинг бир муҳаббати минг бўлсин! Сен шунга лойиқсан, ўзбек аскари! Шундай қилгинки ҳарбийда хизмат қилиш шарафли бурч эканлигини ҳар бир одимингдан ватандошларимиз билиб қўйишсин!

**Шу Ватан унга қолганин мерос,**
**Ҳар лаҳзада билсин ўзбек аскари!**
**Улғайсин ҳар лаҳза шу туйғуга мос,**
**Куч-қувватга тўлсин ўзбек аскари!**

**Қуёш-ла баробар очсин кўзини,**
**Ватан деб бошласин ҳар бир сўзини,**
**Сарҳаддан узмасин зийрак кўзини,**
**Ҳар вақт зарбли бўлсин ўзбек аскари!**

**Қадамин ташласин гурс-гурс уриб,**
**Шараф топсин азиз юртини кўриб,**
**Ҳар тонг мустақил юрт байроғин кўриб**
**Қувончдан барқ урсин ўзбек аскари!**

**Билсин: Амир Темур бобоси эрур,**
**Кўзида Хоразмий зиёси эрур.**
**Озод Ўзбекистон боласи эрур,**
**Ёдида сақласин ўзбек аскари!**

**Ватан — саждагоҳ каби муқаддас,**
**Азиздир ундаги ҳатто чўпу хас.**
**Фидойилик ила ҳар дам, ҳар нафас.**
**Халқ тузин оқласин ўзбек аскари!**

Ўзбек аскари!

Сен юртнинг эртасини, келажагини, озодлигини қўриқлайсан! Шунчаки бир ярим йил умрингни ҳарбий либос кийиб ўтказмайсан! Шу либос остида қалбинг мардона уриб турсин!

Ҳамиша қасамингга содиқ бўл, ўзбек аскари! Ватан, халқ ҳар гуноҳинг бўлса кечирар, лекин Ватан тинчлигини, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганларни ҳеч маҳал кечирмайди. Аждодлар руҳи ҳам, келажак авлодлар ҳам асло кечирмайди!

Сен озод юрт фарзандисан, ўзбек аскари! Шунга муносиб бўл ҳамиша!

Темур УБАЙДУЛЛО.

Суратли ахборот

## ТОШКЕНТ — МЕНИНГ ОРЗУИМ!

Бундан 30 йил бурун Тошкентда юз берган кучли зилзила тошкентликлар иродасини яна бир синовдан ўтказганлиги кечагидек ёдимизда. 2000 йиллик кўҳна тарихга эга бўлган шаҳар учун 1996 йилдан буён ўтган давр нисбатан жуда қисқа бўлсада, у қайта тикланибгина қолмай, балки ҳар томонлама ривожланди, ҳам бўйига, ҳам энига беқиёс даражада ўсишда давом этди.

Айниқса Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгандан кейинги ўтган 5 йил мобайнида давлатимиз пойтахтида амалга оширилган кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишлари ҳар қандай таърифга лойиқдир. Шу жиҳатдан олганда куни кеча Ўзбекистон Байналмилал маданият марказида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Халқ бирлиги» ҳаракати ташаббуси билан ташкил қилинган «Тошкент — менинг орзуим!» номли тасвирий санъат кўргазмаси айни муддао бўлди. Кўргазмада Тошкентнинг кеча ва бугуни, келажагини акс эттирувчи рангтасвир, графика асарлари, қадимшуносликка оид топилмалар, амалий санъат намуналари, ноёб суратлар, ажойиб меъморчилик лойиҳалари кенг намойиш этилмоқда.

Баҳром ТОЖИЕВ.



*СУРАТЛАРДА: «Тошкент — менинг орзуим» тасвирий санъат кўргазмасидан лавҳалар. Рустам Шарипов олган суратлар.*



Олий ўқув юртларида

## ЗАМОНАВИЙ КОМПЬЮТЕР — ТАЛАБАЛАРГА

***Ҳозирги кунда замонавий фан-техникани компьютерларсиз тасаввур қилиш қийин. Юксалиш ва тараққиёт йўлидан бораётган Ўзбекистон учун электрон ҳисоблаш машиналари малакали мутахассислар каби бениҳоя зарур. Бу борада олий ўқув даргоҳларида бирмунча ишлар амалга оширилмоқда.***

Яқинда Мирзо Улуғбек номли Тошкент Давлат университетига Германия билан тузилган шартномага асосан 150 минг долларлик компьютерлар келтирилди. Бу компьютерлар секундига 100 миллионтагача мураккаб операциялар бажара олади. Шунга кўра университетнинг математика факультети қошида тўртта замонавий компьютер синфи ташкил этилди.

— Бу ерда «Шахсий компьютерлар синфи» деб аталадиган IBM—PC туридаги компьютерлар ўрнатилган, — дейди университет ҳисоблаш марказининг бошлиғи Абдуманноп Абдуқодиров. — Шунингдек бу ерда компьютерлар билан ишлай оладиган компьютерлар ҳам мавжуд. Авваллари ҳисоб-китоб ишлари ва ўқув жараёнида ЕС тизими қўлланарди. Эндиликда бу тизимга эҳтиёж камайди. Барча ишлар IBM компьютерлари билан бажарилмоқда.

Университетнинг бошқа факультетлари ҳам тез кунларда компьютерлар билан жиҳозланади. Жумладан, халқаро журналистика бўлимига 10 йиғма замонавий компьютер ажратиш мўлжалланган. Келгусида университет бўйича маҳаллий компьютерлар тармоғи ташкил этилади. Бу эса ўқитувчи ва талабаларга Ўзбекистонда туриб Америка Қўшма Штатлари, Англия, Германиядаги олий ўқув юртлари ва кутубхоналаридан керакли маълумотлар олиш имконини беради.

Одилжон ЭРГАШЕВ,
Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети халқаро журналистика бўлими талабаси.

